

КОРХОНА ПУЛ ОҚИМЛАРИНИНГ САМАРАДОРЛИК КЎРСАТКИЧЛАРИ ТАҲЛИЛИ

Фозилжонова Муштарийбону Фаррухбек кизи
ТДИУ магистранти

Abstract. Ушбу мақолада корхона пул оқимларининг самарадорлик кўрсаткичларини ҳисоблашнинг назаорий асослари ҳамда уни корхона молиявий барқарорлигини таъминлашдаги аҳамияти хусусида сўз борган. Унга кўра, акциядорлик жамиятлари пул оқимларини бошқаришда жамиятнинг асосий фаолиятдан олинган пул оқимлари, молиявий фаолиятдан олинган пул оқимлари ва инвестиция фаолиятдан олинган пул оқимларининг ижобий ва салбийлигига катта эътибор қилиш лозимлига илмий асосланган.

Key words: пул оқими, тўлов қобилияти, молиявий ресурслар, Бивера коэффиценти, соф пул оқимларининг етарлилик коэффиценти.

Introduction

Пул оқимларини таҳлил қилишнинг бевосита ва билвосита усуллари мавжуд. Бевосита пул оқимлари таҳлили усулида акциядорлик жамиятлари пул маблағларини бизнесга пул киритиш орқали шаклланган пул маблағларини ижобий ва салбий бўлган маълумотини кўриб чиқишдан иборат. Мазкур усулда акциядорлик жамиятига капиталнинг кириши ва чиқиши билан боғлиқ бўлган пул оқимини кўрсатади. Шунингдек, жамиятнинг иқтисодий фаолият бўйича нақд пуллари гуруҳланади. Натижада, ҳисобот даври учун соф пул оқимларини кўрсатадиган маълумотлар шаклланади.

Умуман олганда, пул оқимларини бевосита таҳлил қилиш усули пул оқимларининг кирими ва чиқимини аниқлашга, шунингдек, жорий мажбуриятларни тўлашга етарли маблағ мавдужлиги ва инвестиция қилиш учун қўшимча маблағ мавжудлик имкониятини баҳолаш имконини беради. Жамият фаолиятини ижобий бўлишига соф пул оқими шарт эмас. Бироқ инвестиция фаолияти салбий пул оқим билан характерланади, сабаби узоқ муддатли активларга йирик инвестициялар жалб қилиниши ва акциядорлик жамияти ишлаб чиқаришининг кенгайишини кўрсатади. Аммо акциядорлик жамиятларининг жорий ва молиявий пул оқимлари ижобий бўлиши лозим. Ўз навбатида, жамиятнинг фаолияти ижобийлигидан, шунингдек, жамият ўз фаолиятини янада ривожлантиришидан далолат беради. Жумладан, акциядорлик жамиятларининг соф пул оқимларини бевосита усул орқали баҳолаш учун жамият пул оқимларининг самарадорлигини ҳисоблаш лозим. Шу боис, қуйидаги формулалардан фойдаланиш мақсадга мувофиқ:

Акциядорлик жамиятининг тўлов қобилияти коэффиценти:

$$K_{TK} = (PO_{\text{йил боши}} + PO_{\text{кирими}}) : PO_{\text{чиқими}} \quad (1)$$

Бу ерда:

$PO_{\text{йил боши}}$ – йил бошидаги пул оқими;

$PO_{\text{кирими}}$ – ҳисобот давридаги пул тушуми;

$PO_{\text{чиқими}}$ – ҳисобот давридаги пул чиқими.

Тўлов қобилияти коэффицентининг меъёрий қийматлари 0,5 - 0,7 оралиғи ҳисобланади. Ушбу қиймат акциядорлик жамиятининг молиявий ҳолати барқарорлигини кўрсатади. Агар коэффицентнинг қиймати кўрсатилган оралиқдан пастроқ бўлса, акциядорлик жамиятларига ташқи манбалардан маблағ жалб қилиш зарурлиги тушунилади.

Агар коэффициент қиймати бирдан ошса, жамиятнинг тўловга қобилияти мавжудлигини кўрсатади.

2. Акциядорлик жамиятининг молиявий ресурслар билан таъминланганлиги:

$$T_{mp} = \frac{\overline{ПО}}{П} * 365 \quad (2)$$

Бу ерда:

$\overline{ПО}$ – ҳисобот даври учун ўртача пул оқими;

$П$ – ҳисобот давридаги жорий пул оқимлари.

Ушбу коэффициент қўшимча капитални жалб қилмасдан акциядорлик жамиятининг фаолияти самарадорлигини кўрсатади.

3. Инвестиция фаолиятини йўналтирилган маблағлар учун жорий пул оқимларининг етарлиги таъминланганлиги:

$$П_{инв} = \frac{СПО_{жорий}}{ПО_{инв}} \quad (3)$$

Бу ерда:

$СПО_{жорий}$ – жорий фаолиятдан олинган соф пул оқими;

$ПО_{инв}$ – инвестиция фаолиятидан олинган пул оқими.

Агар аниқланган кўрсаткич бирдан катта бўлса, акциядорлик жамиятининг инвестиция фаолиятини ўз маблағлари ҳисобидан молиялаштириш имконияти мавжудлигини кўрсатади. Бу эса ўз навбатида, жамиятнинг инвестицион фаолиятини ноактив деб ҳисобланади.

Акциядорлик жамиятларининг мажбуриятларини бажариш учун жорий фаолиятидан олинган пул маблағлари етарлиги коэффициенти қуйидагича аниқланади:

$$П_{м} = \frac{СП_{жорий}}{М_{м}} \quad (4)$$

Бу ерда:

$СП_{жорий}$ – жорий фаолиятдан соф пул оқими;

$М_{м}$ – молиявий фаолиятдаги пул маблағлари.

Бевосита пул оқимлари таҳлилининг асосий камчилиги акциядорлик жамиятининг молиявий натижаси ва унинг капитали ўзгариши ўртасидаги боғлиқликни кўрсатиб бера олмайди. Шунингдек, пул оқимини ушбу баҳолаш усули бошқа усулларга қараганда анча вақт талаб қиладиган усул ҳисобланди.

Жумладан, бевосита пул оқимлари таҳлил қилиш усули молиявий натижалар ва баланс ҳисоботлари маълумотларидан фойдаланган ҳолда ҳисобот давридаги соф пул оқимларини ҳисоблаш имкониятини беради. Бевосита пул оқимлари таҳлили усули акциядорлик жамиятининг фаолиятини молиялаштиришнинг ички манбаларини қанчалик етарли эканлигини кўрсатади. Шунингдек, жамият фаолиятининг салбий тенденцияларини ўз вақтида аниқлаш ва салбий оқибатларининг олдини олиш учун ўз вақтида чора-тадбирлар ишлаб чиқиш имкониятини беради.

Акциядорлик жамиятларининг соф пул оқимини баҳолашнинг билвосита усули ҳам мажуд бўлиб, мазкур усулда қуйидаги коэффициентлардан фойдаланилади. Ушбу коэффициентлардан бири Бивера коэффициенти ҳисобланади:

$$K_{бив} = \frac{СФ+Э}{УЗ+ҚМ} \quad (5)$$

Бу ерда:

$СФ$ – ҳисобот давридаги соф фойда;

Э – ҳисобот давридаги эскириш суммаси;

$\overline{UM}$ – узоқ муддатли мажбуриятларнинг ўртача суммаси;

$\overline{QM}$ – қисқа муддатли мажбуриятларни ўртача суммаси.

Бивера коэффицентининг меъёрий нормаси 0,4-0,47 ни ташкил этади. Мазкур коэффицент акциядорлик жамиятининг соф фойдаси билан мажбуриятлар ўртасидаги боғлиқликни кўрсатади. Шунингдек, акциядорлик жамиятларининг соф фойдасидан қисқа муддатли мажбуриятларини қоплаш коэффиценти қуйидаги формула билан ифодаланади:

$$K_{\text{коп}} = \frac{CF+Э}{\overline{QM}} \quad (6)$$

Бу ерда:

CF – ҳисобот давридаги соф фойда;

Э – ҳисобот давридаги эскириш суммаси;

$\overline{QM}$ – қисқа муддатли мажбуриятларнинг ўртача суммаси.

Бундан ташқари, амалиётда акциядорлик жамиятларининг пул оқимларини таҳлил қилишда умумлаштирилган кўрсаткичлар қўлланилади. Жумладан, соф пул оқимларининг етарлилик коэффиценти формуласи қуйдагича ифодаланади:

$$K_{\text{СПО}} = \frac{\text{СПО}}{УҚМ+ΔТМ+Д} \quad (7)$$

Бу ерда:

СПО – ҳисобот давридаги соф пул оқими;

УҚМ – ҳисобот давридаги узоқ ва қисқа муддатли мажбуриятлар бўйича тўлов;

ΔТМ – ҳисобот давридаги товар-моддий захиралар ўзгариши;

Д – ҳисобот давридаги акциядорлик жамиятининг дивиденд тўловлари.

Ушбу коэффицент $K_{\text{СПО}} \geq 1$ бўлса, акциядорлик жамияти ўз фаолиятини молиялаштиришда ўз маблағлари манбалари тўлиқ етарли эканлигини англатади. Агар мазкур коэффицент $K_{\text{СПО}} < 1$ бўлса, акциядорлик жамиятлари фаолиятини молиялаштириш учун ўз маблағлари етарли эмаслигини кўрсатади. Бу эса, акциядорлик жамиятининг фаолиятини молиялаштиришда ташқи манбалар эвазига молиялаштиришга олиб келади.

Акциядорлик жамиятларининг барча фаолиятидаги пул оқимларининг салбий ва ижобий ҳолатидан келиб чиққан ҳолда соф пул оқимлари аниқланади. Шунингдек, ижобий пул оқимлари салбий пул оқимларидан кўп бўлса, жамиятда қўшимча пул мавжудлигини англатади. Бунинг тескари ҳолати, хусусан салбий пул оқимлари ижобий пул оқимларидан юқори бўлса, жамиятда пул маблағлари етишмаслигини кўрсатади.

Жумладан, акциядорлик жамиятлари пул оқимларини самарали бошқариш учун пул оқимларининг ижобий ва салбий оқимлари ҳажмининг мувозанатини таъминлаш лозим. Ўз навбатида, акциядорлик жамиятига кам миқдорда салбий таъсир кўрсатади. Бироқ, акциядорлик жамиятининг салбий пул оқимлари ҳажми юқори бўлса, жамиятнинг ликвидлиги ва тўлов қобилияти пасайишига, муддати ўтган кредиторлик қарзлари ва мол етказиб берувчилар олдидаги қарзлари ортишига олиб келади. Бунинг натижасида, жамиятнинг ўз маблағлари манбалари ва активларидан фойдаланиш рентабеллиги пасаяди.

10-расмдан кўриниб турибдики, акциядорлик жамиятининг асосий фаолиятидан олинган пул оқимлари ва молиявий фаолиятидан олинган пул оқимлари ижобий бўлса, инвестиция фаолиятидан олинган пул оқимлари салбий бўлса жамиятнинг ҳолати ўртача бўлиб, пул оқимларини бошқаришни такомиллаштириш лозимлигини кўрсатади. Акциядорлик жамиятининг асосий фаолиятидан олинган пул оқимлари ижобий ва молиявий

фаолиятдан олинган пул оқимлари ҳамда инвестиция фаолиятдан олинган пул оқимлари салбий бўлиши жамият пул оқимларини бошқариш яхши эканлигидан далолат беради. Акциядорлик жамиятининг асосий фаолиятдан олинган пул оқимлари салбий ва молиявий фаолиятдан олинган пул оқимлари ҳамда инвестиция фаолиятдан олинган пул оқимлари ижобий бўлиши жамиятнинг пул оқимларини бошқариш ачинарли ҳолатда ва жамият банкротга юз тутиш арафасида турганлигини кўрсатади.

Таъкидлаш жоизки, акциядорлик жамиятлари пул оқимларини бошқаришда жамиятнинг асосий фаолиятдан олинган пул оқимлари, молиявий фаолиятдан олинган пул оқимлари ва инвестиция фаолиятдан олинган пул оқимларининг ижобий ва салбийлигига катта эътибор қилиш лозим. Акциядорлик жамиятининг пул оқимларида асосий фаолиятдан олинган пул оқимлари ижобий ва молиявий фаолиятдан олинган пул оқимлари ижобий ва инвестиция фаолиятдан олинган пул оқимлари салбий бўлиши жамият учун яхши ҳолат, деб таъкидласак бўлади. Сабаби, жамиятнинг пул оқимлари келажакда ошиб боришини ва яқин келажакда жамият пул оқимларининг кўпайишидан далолат беради.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1. Бурханов А.У., Ҳамдамов О.Н. Молиявий менежмент. Дарслик. – Т.: “Инновацион ривожлантириш” нашриёт уйи, 2020. 240-241-б.
2. Тошмуродова Б.Е., Элмирзаев С.Е., Турсунова Н.Р. Молиявий менежмент. Дарслик. – Т.: ТМИ, 2017. 145-б.
3. Курбонов Х. Корпоративные финансы. – Т.: Иқтисод-молия, 2007, с.40.

IQTISODIYOTNI RAQAMLASHTIRISH SHAROITIDA DIVIDENDLARNI HISOBGA OLIISH

Muratov Aziz Akbarovich,

Qo'qon universiteti o'qituvchisi, Farg'ona politexnika instituti tayanch doktoranti.

Rustamov Muhammadazizxon Ulug'bek o'g'li,

Qo'qon universitetining EK-1-22 guruh talabasi

Annotatsiya. Ushbu maqolada raqamli iqtisodiyotga o'tish sharoitida korporativ boshqaruvda aksiyadorlik jamiyatlarining dividendlarini hisoblash va ularni buxgalteriya hisobida hisobga olish masalalarini takomillashtirishga qaratilgan ilmiy-uslubiy tavsiyalar va takliflar keltirilgan

Kalit so'zlar: dividend, aksiyadorlik jamiyati, aksiyador, aksiya, pul ko'rinishidagi dividend, aksiyalar ko'rinishidagi dividend, aksiyalarning nominal qiymati, aksiyalarning bozor qiymati, dividendlarni hisobga olish

Annotation. This article presents scientific and methodological recommendations and proposals aimed at improving the issues of calculating dividends of joint-stock companies in corporate governance and their accounting in accounting in the conditions of transition to the digital economy.

Keywords: dividend, joint stock company, shareholder, share, cash dividend, stock dividend, nominal value of the stock, market value of the stock, accounting for dividends.

Аннотация. В данной статье представлены научно-методические рекомендации и предложения, направленные на совершенствование вопросов расчета дивидендов